

ПАХТАМИЗ 303.000 ТОННАДАН ОШДИ

МАРРА ЯҚИН. ВАҚТ ҒАНИМАТ. ЯНАДА ҒАЙРАТ ҚИЛАЙЛИК.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 220 (3958)

12
НОВАБР
СЕШАБ
1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДАЛАР САРОЙИДА БАЙРАМ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати Улуғ Октябрь революциясининг эллик бир йиллиги муносабати билан 7 ноябрда Кремлдаги Съездлар саройида қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Сийосий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сийосий бюроси аъзоллигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, КПСС Марказий Комитети аъзолари ва аъзоллигига кандидатлар, КПСС Марказий резидия комиссиясининг аъзолари, партия ветеранлари, СССР ва РСФСР Олий Советининг депутатлари, СССР ва РСФСР министрлари, СССР комитетларининг раислари, танкид ҳарбий саркардалар, марказий идоралар ва муассасаларнинг раҳбарлари, учувчи-космонавтлар, фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари, Москва марказларининг илғорлари, ҳарбий парад иштирокчилари ҳозир бўлдилар.

Чет эллардан келган меҳмонлар ҳам шу ерда бўлдилар.

Қабул маросимида СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ҳарбий парад иштирокчиларини, москваликларини, бутун совет халқини табриклиди. У социалистик мамлакатлардаги, жаҳоннинг барча мамлакатларидаги чет эллик биродарларимизга, барча тинчлик ва тараққиёт нурашчиларига мурожаат қилиб, нуфус сўзлади.

Л. И. Брежнев совет халқининг улкан ва порлоқ байрами — озодлик, тараққиёт байрами шарафига, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик бир йиллиги шарафига қадам кўтаришни ташкил этди.

Залдагилар Л. И. Брежневнинг қисқача нутқини гулдурас қарсанлар билан кутиб олдилар.

Қардошларча, самимий вазиёда ўтган қабул маросими вақтида санъат усталари концерт қўйиб бердилар. (ТАСС).



МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОН, 1968 ЙИЛ 7 НОВАБР. В. И. ЛЕНИН МАВЗОЛЕИ МИНБАРИДА.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕХНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

МОСКВА. Қизил майдон. Совет давлати туғилган кунини — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 51 йиллигини нишонлаш учун бу ерга келган москваликлар ва пойтахт меҳмонларини Қизил майдон байрам либосида кутиб олади.

Бундан ронга-роса ярим аср муқаддам Владимир Ильич Ленин Улуғ Октябрга бағишлаб Қизил майдонда ўтказилган биринчи байрамда қатнашган эди. Орадан эллик йил ўтганда бугунги кунда ҳам совет пойтахти юртининг бутун қиёфаси ва беақаларидан Лениннинг руҳи сезилиб турибди. Унинг портретлари иморатлар пештоқига қўйилган, унинг сўзлари байроқларга ва алвонларга ёзилган, москваликлар меҳнат рапортиларининг сатрлари унинг гоилари рўбига чиқаётганлигини кўрсатиб турибди.

Тарихий музей бияосига илби қўйилган жуда катта паллага: «Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва инқилибги мустақамланаверсин!» деган сўзлар ёзилган. Ишчилар синфининг салобатли отрядлари кўтариб олган байроқларга ҳам шу сўзлар ёзиб қўйилган бу шун ер юзидан барча прогрессив кучларнинг энг асосий шiori бўлиб қолди.

Хурматли меҳмонларга аталган минбарларга пойтахт саноят корхоналари ва қурилишларининг намоёндалари, Москва области қишлоқ хўжалик меҳнатчилари, фан, адабиёт, санъат арбоблари, чет эллик меҳмонлар қичишди. «Союз-3» космик кемасида космонавт учувчи Г. Т. Береговийнинг юдузлар сари қилган сафарини тай ерлаган космик фазо тадқиқотчилари ҳам шу ерда. Бу парвоз совет фани ва техникасининг янги муваффақияти. Ватанга, Улуғ Октябрга қилинган янги тортиқ бўлди.

Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Сулов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катусев, Ф. Д. Кузак, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар марказий минбарга чиққанларида майдонда тўплаган кишилар уларни самимий кутиб олдилар.

Москвада меҳмон бўлиб турган Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сийосий бюросининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сийосий бюросининг аъзоси Д. Немеш, Чехослования Коммунистик Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. Бияк ва Б. Шимонлар ҳам марказий минбарга чиқдилар.

Москвага расмий равишда ташириқ буюрган Афғонистон бош министри Нур Аҳмад Этимодий ҳам минбарда турибди.

Мавзолейнинг ўнг қанотида—Совет Иттифоқи маршаллари, қўшин туларининг маршаллари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг генераллари ва адмираллари туришди. Улар орасида Куба революцион қўролли қушлари министрининг биринчи ўринбосари майор Педро Мирет Прието ҳам бор.

Соат 10:00. Кремлнинг Спасский дарвозасидан СССР мулоффа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко оқиқ машинада чиқиб кетди. У парад қўмондонини, Ленин орденли Москва ҳарбий округи қўшинларининг қўмондонини генерал-полковник Е. Ф. Ивановскийнинг рапортини қабул қилди.

Одатта кўра, мудоффа министри қўшинларининг сафларини айланиб чиққан Мавзолей минбарига кўтарилиб, нутқ сўзлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Совет ҳукумати номидан ва уларнинг тоширувлари буюн мудоффа министри жангчиларини, Совет Иттифоқи меҳнаткашларини, чет эллик меҳмонларини умумхалқ байрами билан қизгин табриклиди ва қутлайди.

Москвада меҳмон бўлиб турган Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сийосий бюросининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сийосий бюросининг аъзоси Д. Немеш, Чехослования Коммунистик Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. Бияк ва Б. Шимонлар ҳам марказий минбарга чиқдилар.

Мудоффа министри қуйдагиларни таъкидлайди: коммунистик қурилишдаги катта-катта муваффақиятлар, Совет Иттифоқи ва бошқа қардош мамлакатларининг социалистик интернационализм руҳи билан турмуш қуришига ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ҳалақит беринча уринмоқда, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини бостиришга интилоқда. Имперализм турли тўман иғволар чинамоқдалар, кескинликни кучайтирмоқдалар, янги жаҳон урушининг бошланиб кетиши хавфини вужудга келтирмоқдалар. Улар социализм мамлакатларининг ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ҳалақит беринча уринмоқда, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини бостиришга интилоқда. Имперализм турли тўман иғволар чинамоқдалар, кескинликни кучайтирмоқдалар, янги жаҳон урушининг бошланиб кетиши хавфини вужудга келтирмоқдалар. Улар социализм мамлакатларининг ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ҳалақит беринча уринмоқда, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини бостиришга интилоқда.

Совет халқи тинчлик ва социализм душманларининг тирдикдорларини ҳушёр бўлиб қузашиб турганлигини таъкидлаб, А. А. Гречко бундай деди: Бундан аввал бўлганидек ҳозир ҳам Совет Қўролли Кучлари ҳужум қилиш ва ўзгаларнинг территорияларини босиб олишга эмас, балки тинчлик, социализм, халқлар озодлиги ва мустақиллиги шинин ҳимоя этишга ҳизмат қилади.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати мураккаб халқаро вазиятни ҳисобга олиб, мамлакат мудоффа қўбидиятини янада мустақамлаш. Қўролли Кучларининг жанговарлик кудратини ошириш учун зарур чораларни кўрмоқдалар.

Марксизм-ленинизм гоилари руҳида тарбияланган армия ва флот жангчилари, деди нутқининг пиравариди СССР мудоффа министри, уларнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини шараф билан адо этмоқдалар. Улар бундан бую ҳам ўзларининг ҳарбий меҳнатларини тақомиллаштириш, рақиблар, жанговар тайёргар

лиларини ҳар томонлама ошираравардилар. Октябрь ғалабаларини, улуғ коммунизм ишини қаттиқ туриб қўриқлаверадилар.

Артиллерия салютининг гулдураси эшитилди. Совет Иттифоқи давлат гимнининг садолари янгради. Уч қарра тақроланган қули «ура» садолари эшитилди.

Қўшинлар пароди бошланди. Тантанали марши Ленин орденли, Қизил байроқли, Суворов орденли М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академиянинг батальонлари бошлаб берди. Фрунзечилар кетидан Ленин орденли, Қизил байроқли В. И. Ленин номидаги Ҳарбий сийосий академиянинг Ленин орденли, Қизил байроқли Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский номидаги бронетанк қўшинлари ҳарбий академиясининг, Кутузов орденли, Ю. А. Гагарин номидаги Қизил байроқли Ҳарбий ҳаво академиясининг ва бошқа олий ҳарбий ўнвурларининг тингловчилари ўтишди.

Пушти қалпоқ кийиб олган энг завоқил ҳарбий касб кишилари—ҳаво десантчилари, уларнинг кетидан Қизил байроқли Москва олий чегара командирлари билим юртининг курсантлари майдонга кириб келишди.

Қизил байроқли Шимолий флотининг денгиз пиеда қўшинлари полки, Ленин орденли Қизил байроқли Ф. Э. Дзержинский мото-ўқчи дивизиясининг жангчилари, Суворов ва Нахимов ҳарбий билим юртларининг талабалари тантанали марш билан ўтадилар.

Ленин орденли Қизил байроқли РСФСР Олий Совети номидида Москва олий ўзумқушша командирлари билим юрти курсантлари ҳар қалғидек бир текис саф тортиб ўтадилар.

Майдонга жанговар техника кириб келди. Суворов орденли, М. И. Калинин номидаги Қизил байроқли гвардиячи мото ўқчи Таман дивизиясининг бронлай тирилган колонналари биринчи бўлиб қўзга ташланади. Тамаг

чилар парадда 50-март қат нашоқдалар.

Маршда яна авиация десантчилари қўзга ташланади, бу сафар улар машиналарга тушиб олган эдилар.

Моторларнинг гуруллаш и ҳамама ёқиб туриб кетади. Майдонда Ленин орденли Қизил байроқли гвардиячи Кантимир танк дивизиясининг танклари ўрналаб ўтади. Қирқ бешинчи йилнинг унутилмас май кунлари гитлерчиларга қарши қўзғолов кўтарган прагаликларининг даъватини эшитиб, баланд тоғлар оша ердамга етиб борган аза матлар ана шу кантимирчилар эди. Улар, бошқа совет танкчилари билан биргалашиб Прага ни қутқариб қолган эдилар. Ўшанда бўлганидек шу йилнинг августиди ҳам совет жангчилари ўзларининг интернационал бурчинин бақардилар. Улар қардош чехословак халқига ердамга бориб, контрреволюциянинг макрли планларини барбод қилдилар.

Қудратли артиллерия пайдо бўлди. Артиллериячилар колоннасининг охирида реактив қурилмалар олиб ўтилади.

Минбарда ҳозир бўлган кишилар қўшинлар парадини адо этишбо билан қузашиб турадилар. Ҳарбий иш миршкорлари бошқариб борган турли-тўман ҳарбий техника катта таассурот қолдиради.

Ниҳоят ҳамма алоҳида қилишиб билан кутган дамлар келди. Қизил майдонга ракета қисмалари кириб келди. Машиналарга тиркалган зенит ракеталаб биринчи бўлиб олиб ўтилади. Ҳаво ҳужумидан мудоффа қўшинларининг вазифаси масъулиятли — улар душман ҳужумини даф қилишга ҳаминша тайёр бўлиб туришлари керак. Совет осмонининг посбонлари ўзларининг юксак бурчинин тўла аниқлаган ҳолда кечало кундуз вахтада турибдилар.

Ҳаво ҳужумидан мудоффа қисмалари негидан қуруқликдаги қўшинларининг тактик ракеталари пайдо бўлди. Бу ракеталар душман қўшинларига ва жанговар техникасига қақшатқич зарба беришга қодир. Тактик ракеталар ўринин

тагин ҳам даҳшатлироқ ракета қўроли олади. Колонналардан бирига полковник Н. Н. Михайлов бошчилик қилмоқда. У, командирлик қилаётган қисм ракеталарини жанговар учирининг ҳаммасини юксак қўрсаткичлар билан адо этмоқда.

Ҳарбий-Денгиз Флотининг баллистик ракеталари колонна бўлиб ўтиб боради.

Чексиз олис жойларга сузиб бора оладиган атом сув ости кемалари, ракета билан таъминланган крейсера, ракета ва торпедо катерлари, ракета ташувчи денгиз авиацияси — бизнинг Ҳарбий-Денгиз Флотининг ҳозирги қиёфаси ана шундай.

СССР, Польша ва Германия Демократик Республикасининг

ҳарбий денгизчилари иштирок этади. Ҳарбий-Денгиз Флотининг «Север» команда-штаб матини қардош мамлакатлар флотларининг аъло даржадаги маҳоратини, ушқоқлигини, ҳаминҳа бўлиб аниқ ҳаранат қилишини, уларнинг қуввати ўсганлигини ва социалистик мамлакатларни денгиздан ва океан томондан бўладиган ҳужумлардан ҳимоя қилишга юксак даражада жанговар тайёр бўлиб турганликлари кўрсатди.

Ниҳоят майдонга стратегик вазифаларни бақарувчи ракета қўшинлари, Совет Қўролли Кучларининг энг асосий зарбдор кучи бўлган қўшинлар кириб келди. Уларнинг колоннасида турли тилдаги, классдаги ва турли вазифаларни бақарувчи ракеталар қўзга ташланади.

(Охири иккинчи бетда).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАРШАВАДА


ВАРШАВА. 11 ноябрь. делегацияси Польша Бирлашган (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси

делегацияси Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг таълиғига буюн Польша Бирлашган ишчи партиясининг V съездида қатнашиш учун кеча бу ерга келди.

356.000
тонна пахта учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШ ТЎҒРИСИДА
11 НОВАБРГАЧА БУЛГАН
МАЪЛУМОТ

Районлар	(Планга нисбатан процент ҳисобида)			
	Пахта таёйрлаш		Машина терими	
	Бир кунда	Мавсум бошдан берн	Бир кунда	Мавсум бошдан берн
Юкори Чирчиқ	0,03	102,48	—	152,75
Оққўрғон	0,19	99,22	0,18	103,43
Бўка	0,19	98,61	0,05	98,18
Ўрта Чирчиқ	0,26	94,11	—	96,65
Бекобод	0,30	87,95	0,10	84,80
Янгийўл	0,37	83,82	0,48	86,03
Оржоникидзе	0,68	69,95	—	89,00
Область бўйича	0,25	93,37	0,14	97,56



Тошкент. 1968 йил 7 ноябрь. В. И. Ленин номида майдонда ҳарбий парад.

Тошкент. Физкультурчилар паради.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

ТОШКЕНТДА ҲАРБӢЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Ўзбекистон совет халқлари шонли оиласида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 51 йиллигини тантанали вазиётда нишонлади.

7 ноябрь куни Тошкендаги В. И. Ленин номида майдонда қизил байроқлар ҳиллаб турар эди. Намойишчилар эрта биланок халқ тантаналарининг традицион жойи бўлиб қолган шу майдонга қараб йўл олдилар. Революция доҳиси, Совет давлатининг асосчи хотинрасига ўрилатган ҳайкалининг икки томониданги минбарларда пойтахтнинг дондор кишилари ва пойтахт меҳмонлари, Октябрь жанглари, граждан уруши ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари турibdilar.

КПСС Марказий Комитети Сийсис бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюроси аъзоллигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахоннов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдуразақов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, республика ва унинг пойтахти, даги бошқа раҳбар-ҳодимлар ҳукумат минбаридан жой олдилар. Минбарда СССР мудофиа министрининг ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали П. Ф. Батидий ҳам бор эди.

Эрталаб соат тўнчи. Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, ар-

мия генерали Н. Г. Ляшенко майдонга кириб келади. У парад қўмондонининг рапортини қабул қилиб, қўшинлар олдидан ўтади ва шундан кейин минбарга чиқиб, солдатлар ва сержантларга, офицер ва генералларга, Тошкентнинг ва бутун Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашларига қарата нутқ сўзлайди. Н. Г. Ляшенко Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати номидан ҳамда уларнинг тошпиринига биноан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 51 йиллиги билан табриклади ҳамда кутлайди.

Қўмондон мамлакат и м и з умумхалқ байрамини жуда катта муваффақиятлар билан кутти олаётганини тўғрисида гапирди. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Октябрь шонли юбилейини экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида йиллик галабалар билан нишонламоқдалар. Ишчилар сини фанинг фидокорона меҳнати тўғрисида саноат маҳсулотининг ҳамма турларини ишлаб чиқариш ва муваффақиятлари ба жаримдодлар. Республиканиннинг дондор пахтакорлари табиат инжиқчилиларини енгиб, даги тайёрлаш давлат планини ва социалистик манбурларини бажариш учун зўр гайр билан курашмоқдалар.

Совет Иттифоқи халқлари, дейди Н. Г. Ляшенко, социалистик Ватанга. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматиға чексиз содиқ бўлган армиямиз ва

флотимизнинг жангчилари Совет Иттифоқининг тинчлиги ва давлат манфаатларини ҳушёрлик билан қўриқлашларига амин бўла оладилар. Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округининг қўшинлари мамлакатимизнинг Қуролли Кучлари билан ягона жанговар сафда туриб, ғаларининг фахрли ҳарбий бурчларини муносиб суратда зўр шараф билан адо қиломоқдалар, мамлакатимизнинг Шарқи-жаанубий чегараларини қўриқлаб, Ватанининг ҳар қандай буйруғини бажаришға доим шай бўлиб турибдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 51 йиллиги шарафига, совет халқи, жонажон Совет ҳукумати шарафига, барча галабаларимизнинг илҳомини ва ташкилотини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига айтилган галларга жавобан солдатларининг «ура!» садолари янграйди. Байрам салоти тўғрисида, СССР, Ўзбекистон ССР давлат гимнлари улуғвор янграйди.

Қўшинлар ҳар хил турларининг вакиллари жанговар байроқлар билан майдондан ўтади. Минбардагилар уларни гулдурас қарсаклар билан кутти оладилар. Жангчиларнинг шахдам қадамлари ҳам, Ватан ҳимоячилари мукаммал ағаллаган кудратли техника ҳам ифтиҳор ва шодлик туйғуларини оширади.

Меҳнаткашлар байрам намоийши қатнашчиларининг ранг-

баранг либосдаги колонналари кучли тўлқин каби майдонга кириб келади. Намойишчилар Октябрь Чақириқлари ва меҳнат рапортлари ёзилган транспарантларни кўтариб олганлар.

«Ташсельмаш» заводининг ишчилари ва мутахассислари Октябрь намоийшининг қаҳрамони бўдилар. Улар В. И. Ленин номида майдонда тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта териш машинаси қўллаб ишлаб чиқарилаётганини тўғрисида рапорт бердилар. Ҳар бири бир юз эллик теримчининг ишини бажарадиган неча юзлаб ана шу кудратли кемалар бу йил куз фаслида завод конвейеридан Ўзбекистон ва бошқа қардош республикаларнинг дала-ларига юборилди. Бу — совет пахтачилиги техникасининг ривожлантириш учун курашда қўлга киртилган яна бир катта галабадир.

Колонналарнинг планат ва транспарантлари Тошкент индустриясининг меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига фахрли вахтада ишлаб тайёрлаган янги маҳсулотнинг бошқа нусхаларини ҳам намоийш қилади. Минбардагилар ана шу маҳсулотларини тайёрлаганлар шарафига — Экскаватор заводи ва «Таштекстильмаш» ишчилари, тракторсозлар шарафига, тўқимачилик комбинатининг тўқувчилари ва йиғирувчилари, шаҳардаги кўп корхоналарининг ҳодимлари шарафига самимий табрик сўзларини айтадилар.

Янги Тошкент бинокорлари ўз республикаларининг байроқларини кўтариб ўтганларида табрик садолари янғ янграйди. Бу бинокорлар айланиладан кейинги икки ярим йил ичида икки ярим миллион иллат мотрдан кўпроқ уй-жой қурдилар. Тошкентда қад қўтарган ўиларча ва юзларча янги бинолар бинокорларнинг байрам салотида, Мухташам Илйич музейи қурилиши ҳам тез суръатлар билан олиб бориламоқда. Бу музей тез орада В. И. Ленин номидаги майдоннинг ҳуснига ҳуси қўшади.

Байрам арафасида чет эллардаги ҳаммасблари — ёзувчилар, кинематографчилар, журналистлар халқро учрашувларининг қатнашчиларини куттиб олган шаҳар икюди ёнбалирининг жуда кўп вакиллари ишчи коллективлари билан бир сафда ўтидилар. «Тошкент руҳи, тинчлик, дўстлик ҳамжиҳатлик руҳи абадий яшасин!» деган жанговар даъватлар янграйди. Байрам намоийши спортчилар паради билан тамом бўлди.

Октябрь байрами Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг бирлиги ва янглигини, уларнинг жонажон Коммунистик партияга чексиз садоқатини, бутун совет халқи билан бирликда КПСС XXIII съездининг тарихий режаларини муваффақиятли суратда амалга оширишга, В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини янги зафарлар билан нишонлашга тайёр эканликларини янги зўр куч билан намоийш қилди. (ЎзТАГ).



Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг байрам намоийши. И. Глауберзон фотолари.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

(Боши биринчи бетда).

Исталган йироқликка учиб бора оладиган энг кудратли стратегия ракеталари парадияг пировардида ўтади. Бу ракетагаар ҳоҳлаган тарафдан агрессорга бениҳоя катта кучга эга бўлган ядро зарядларини ёдлага олади.

Стратегик вазибаларни бажарувчи ракета қўшинлари ҳамма жанговар шай ҳолда турибди ва Ватанимиз ҳамда бутун социалистик лагер манфаатларини империализмининг ҳар қандай ҳамаларидан ҳар дақиқа ҳимоя қилишға қодир. Парад совет рангасозлигининг юксак даражасини яна бир марта намоийш қилиб кўрсатди. Армиямиз ихтиёрида ядро

зарядларининг қуваати бир неча мегатоннага етадиган жуда турли-туман ракетаалар бор. Башарти агрессор уруш бошлайдиган бўлса, бу ракетаалар ҳар қандай агрессорни тор-мор қилишдан иборат жанговар вазибаларни пухта ҳал этишни таъминлайди.

Ҳарбий парад тугади.

Мана энди майдонга физкультурчилар — минглаб йигит ва қизлар кириб келишди. Жуда катта машала осмонга кўтарилади, машалаанинг остига «51 Октябрь» деб ёзиб қўйилган. Улуғ Октябрь машаласи 51 йилдан бери дунё халқларининг порлоқ келажак йўлини ёритиб келмоқда. Минбарлар олдидан бирин-кетин

ўтиб бораётган машиналарга илиб қўйилган транспарантларга:

«Ленин номига дидга жо қилиб меҳнат қиламиз ва ишаймиз».

«Халқлар дўстлиги улуғ куч», деган сўзлар ёзиб қўйилган.

...Олтиминичи йилларнинг комсомоллари — студентлар бинокорлик отрядларининг вакиллари, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари ўтадилар. Улар яқинда бутун мамлакат билан бирга ВЛКСМнинг эллик йиллигини тантанали равишда нишонладилар, эндиликда ВЛКСМ байрсигида олти орден ярқаб турибди.

Маркс, Энгельс, Ленин портретлари туширилган байроқ шамолда ҳиллабди. Ҳозирги даврда марксизм-ленинизм байроғи остида юз миллионларча меҳнат аҳли бормоқда. Намойишчилар КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари ёзилган қизил алоқларини бошлари узра бағаллаб кўтардилар. Ана шу Чақириқларда империализмга қарши кураш олиб бораётган мард Вьетнам халқиға, беш миллий давлатларининг халқларига салом сўзлари айтилди. Марказий Комитет социалистик давлатлар дўстлиги ва бирлигини мустаҳкамлашға, бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва янглигини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализи негизда мустаҳкамлашға даъват қилади. Майдонда улуғ символ каби кудратли машал пайдо бўлади. Унга: «СССР—Тинчлик, социализм, демократия» деган сўзлар ёзилган. Мамлакатнинг бош майдонига пойтахт меҳнаткашлари ва

кидларининг дастлабки колонналари кириб келади. Ҳар бир колонна В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб куттиб олиш учун бошлаган мусобададаги меҳнат галабаларининг рапортларини, Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига меҳр-муҳаббат ва садоқат сўзларини кўтариб олган.


Ильиччилар — Владимир Ильич номидаги электр-механика заводининг ишчилари ва мутахассислари ўтиб боришди. Ленин шу заводга кўп марта борган ва нутқ сўзлаган эди. Ильиччилар 1970 йил апрелида меҳнат уюмдошлигини ошириш жиҳатидан беш йиллик тошпиринини бажаришға бел боғлаганлар. Бутун индустриал Москва уларнинг ташаббусини маъқуллаб қўллаб-қувватлади. Давлат сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи «Бореп», «Москвабель», «Вимпель», шонли «Трехгорная мануфактура» корхоналарининг ишчилари ўтиб боришди.

Колонналарнинг бирида Лихачев номидаги автомобиль заводининг вакиллари бор. Пойтахт индустриясининг пешқадами ўз маҳсулотининг катта нисмининг қишлоқ хўжалигига етказиб бермоқда. Автозаводчилар, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорини зўр заъ-шавқ билан куттиб олдилар. Автозаводчилар колоннасида «қишлоқ буюргиналарини муддатидан олдин бажарамиз» деган транспарант товданиб қўлга ташланди. Шонли ва фахрли касб вакиллари — «Серп я молот» металлурглари ўтадилар. Бир йил мобайнида мамлакатимизда юз миллион тоннадан ортиқ пўлат эритиладиган бўлиб қолди.

СССР Фанлар академиясининг колоннаси узра «Октябрь меҳнаткашлари Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида октябрь йўлидан олға боришға азмичарор қилганликларини кўрсатдилар. (ТАСС).

Министрлар Советининг илмий ташкилотлар ишининг самарадорлигини оширишға ҳамда фан ва техника муваффақиятларидан халқ хўжалигида фойдаланишни жадаллаштиришға қаратиб, яқинда қабул қилган қарорини зўр мамнуният ҳис-туйғулари билан куттиб олдилар. Олимларимизнинг жуда катта муваффақиятлари рангбаранг панноларда тасвирлашган.


Пойтахт меҳнаткашлари вакиллари байрам намоийши салкам уч соат давом этди. Меҳнаткашлар улуғ Ватанимиз учун, халқимизнинг шонли ишлари учун ифтихор ҳис-туйғуларига тўлган ҳолда Қизил майдондан ўтидилар. Москва меҳнаткашлари Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида октябрь йўлидан олға боришға азмичарор қилганликларини кўрсатдилар. (ТАСС).



Физкультурчилар паради.



Шимолӣ дептизмчилар.



Моторлаштирилган пйбда қўшинлар.

«Правда»дан.

